O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 17 ноябрь, № 225 (4124) Жума

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 ноябрь куни Оқсаройда Россиянинг Самарали сиёсат жамғармаси президенти Глеб Павловский раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида бундан бир йил олдин имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида икки томонлама ҳамкорлик алоқалари, жумладан, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги муносабатлар изчил ривожланиб бормоқда. Бунда икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро учрашувлари ва уларнинг натижалари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг бевосита алоқалари, шунингдек, сиёсатшунослар, оммавий ахборот воситалари вакилларининг ўзаро ҳамкорлиги катта аҳамият касб этмоқда.

Самарали сиёсат жамғармаси президенти Г.Павловский раҳбарлигидаги делегация аъзолари куни кеча Самарқандда бўлиб ўтган «Демократик институтлар ва жараёнларни ривожлантириш аҳволи ва истиқболлари: Ўзбекистон ва Россия тажрибаси» мавзуидаги халқаро давра суҳбатида иштирок этди. Анжуманда икки мамлакатда фаолият юритаётган фуқаролик жамияти институтларининг бугунги фаолияти ва истиқболларига оид масалалар муҳокама қилинди.

— Ўзбекистонда бундай учрашувларга алоҳида эътибор билан қаралади, — деди Ислом Каримов. — Самарқандда ўтган давра суҳбатининг мавзуи долзарб ва аҳамиятлидир. Бу каби мулоқотлар ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларни таҳлил қилиш ва зарур хулосалар чиқариш учун яхши имконият яратади.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларининг келажаги, хусусан, демократлаштириш, сиёсий ислоҳотлар жараёни билан шуғулланувчи мутахассислар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Г.Павловский самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

ХАЛҚАРО ФОРУМ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимизда "Болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимидаги ислоҳотлар" мавзуидаги халқаро форум ниҳоясига етди.

Мазкур тадбир "Sen Yolg'iz Emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) мамлакатимиздаги ваколатхонаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси кўмагида ўтказилди.

Форумда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлолнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда. Бу борада қабул қилинган қатор давлат дастурларини амалга оширишда юртимизнинг ўзига хос демографик хусусиятлари, туғилиш даражаси, аҳолининг ёш таркиби каби омиллар инобатга олинаётир. Таълим-тарбия, оналик ва болаликни, айниқса, алоҳида эътиборга муҳтож болаларни муҳофаза қилишда, соғлиқни сақлашнинг барча соҳаларини юксалтиришда мамлакатимиз катта ютуқларга эришмоқда. Бу нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан эътироф этилаяпти.

Алоҳида эътиборга муҳтож болаларни ижтимоий ҳимоялашдек хайрли юмушларда турли вазирлик ва идоралар билан бирга жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, "Sen Yolg'iz Emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ташаббуси билан 2004 ва 2005 йилларда ўтказилган халқаро форум тавсиялари ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бу жараёнда оилани жамиятнинг асосий бўғини сифатида қўллаб-қувватлашга, таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассисларининг касбий салоҳиятини оширишга, кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳамда таълим сифатини янада оширишга алоҳида эътибор берилаётир.

Форумда болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизими бўйича юртимиз ва хориж тажрибаси, халқаро ва миллий қонунчилик тизими, ижтимоий муҳофазага муҳтож болалар таълим-тарбия муассасаларининг бугунги ҳолати ва истиқболи, болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг суддан ташқари механизми каби мавзуларда маърузалар тингланди ва атрофлича муҳокама этилди.

— Ўзбекистонда болаларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётгани мазкур форум ишида яна бир карра намоён бўлди, — деди ЮНИСЕФнинг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари Ризо Хусайний. — Анжуманда муҳокама этилган ҳар бир масалани ҳал этишнинг изчил ва аниқ йўллари белгиланганги диққатга моликдир.

Халқаро анжуман ёш авлодни ижтимоий муҳофаза қилишнинг миллий, хорижий ва халқаро миқёсдаги тажрибаси атрофлича кўриб чиқилгани, соҳага оид амалий чора-тадбирларнинг белгилаб олингани ҳамда мутахассисларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашгани билан ҳам аҳамиятлидир.

— Илгари ҳам болаларни ижтимоий ҳимоялашга оид кўплаб халқаро анжуманларда қатнашганман, — дейди Санкт-Петербург Давлат тиббиёт академияси профессори Сергей Мальцев.— Мазкур форум ишининг самарали, баҳс-мунозараларга бой бўлгани, ҳар бир йўналиш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани менда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистонда ёш авлод таълим-тарбияси, соғлиғи, ижтимоий муҳофазаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганига яна бир карра амин бўлдим.

Форум якунида болаларни, айниқса, алоҳида эътиборга муҳтож болаларни ижтимоий ҳимоялашга оид миллий қонунчиликни такомиллаштиришга, инклюзив таълимни янада ривожлантиришга, болаларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича тегишли ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтириш ва фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиришга оид масалалар бўйича тавсияларнинг йўналишлари белгилаб олинди.

Форум ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Қимматбаҳо қоғозларга бағишланди

Нукусда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматбаҳо қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашга бағишланган амалий семинар ўтказилди.

Унда мавжуд акциядорлик жамиятлари раҳбарлари, корпоратив бошқарув тизимига дахлдор муассасаларнинг мутасаддилари, ишбилармонлар қимматбаҳо қоғозлар бозорини ташкил этиш жараёнида ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

— Иқтисодиётимизда қимматбаҳо қоғозларнинг мавқеи тобора мустаҳкамланиб бормоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси давлат мулк қўмитаси раиси Қутлимурат Панаев. — Хўжалик юритувчи субъектлар, ишбилармонлар қимматбаҳо қоғозлар билан иш олиб бориш ҳадисини олмоқдалар. Пировардида, акция ёхуд бошқа қимматбаҳо қоғоз ҳам давлат, ҳам фуқаро манфаатларига хизмат қилмоқда.

Семинарда қимматбаҳо қоғозлар бозорини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Ифтихор

Тарихда ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Юртимизда илм-маърифат машъалини ёққан юзлаб алломаю мутафаккирларнинг етишиб чиққанлиги ҳам тасодиф эмас. Демоқчимизки, юртимиз қудратли қадимий маънавий-маданий негизларга эга. Муқаддас «Авесто» китоби 2700 йил олдин айнан шу заминда яратилган. Барча соҳалар илм-фанга асосланган ҳолда ривожланган. Обод шаҳарлар, қишлоқлар бунёд этилган. Ирригация, деҳқончилик, ҳунармандлик, меъморчилик мислсиз ривож топган. Мана шундай муҳит бундан минг йил олдин хоразмшоҳлар пойтахти Гурганчда «Мажлиси уламо» номи билан машҳур бўлган йирик илмий марказнинг шаклланишига ҳам замин ҳозирлаган.

ЗАВОЛ БИЛМАС МЕРОС

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши, қадриятларимизнинг тикланиши, ўзлигимизни англашга интилиш, буюк алломаларимизнинг табаррук номлари эъзозланиши ҳам бехосдан юз берган ҳодиса эмасди. Келажак дарахтининг илдизи тарихдан озиқланади. Оққан дарё барибир оқаверади деганларидек, Истиқлолдай буюк имконият халқимизнинг руҳий-маънавий табиатидаги кучларнинг қайта уйғонишига олиб келди. Юртбошимиз бу уйғонишларнинг яловбардорига айланди.

Кўриниб турибдики, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги дунё миқёсида кенг нишонланиши ҳам тасодиф эмас экан. Бундай академия халқимиз тарихида мавжуд эди. У инсоният тараққиётига мислсиз таъсир кўрсатганлигини ҳам бугун дунё билади. Бор нарса эса албатта юзага чиқади. Бундай оламшумул воқеага гувоҳ бўлиш бизларга насиб этди. Истиқлол шарофати, Юртбошимизнинг юксак заковати туфайли Маъмун академияси қайта тикланди. Бугунга келиб, унинг 1000 йиллиги оламшумул байрам қилинди. Шодиёналарда Президентимиз иштирок этдилар. Зиёлилар, деҳқонлар, халқ вакиллари билан учрашиб мулоқотда бўлдилар. Халқимизни шу қутлуғ байрам билан муборакбод этдилар. Шугина эмас, бизларнинг аждодларимиз кимлар бўлганини, бизлар кимларнинг авлодлари эканлигимизни эсга солдилар. Бу билан халқимизни янада улкан бунёдкорлик ишларига илҳомлантирдилар, муҳим долзарб вазифаларни ўртага ташладилар.

Президентимиз Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқларида ана шу қадимий илм-фан марказида яратилган бетакрор илмий меросни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, ҳозирги ва келгуси авлодларга етказишни муҳим вазифа сифатида белгилаб бердилар. Ундан ташқари, республикамиз олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларида Хоразм Маъмун академиясининг инсоният тарихида чуқур из қолдирган бебаҳо меросини ўрганиш бўйича факультатив дарс ва семинарлар киритишни таклиф қилдилар. Бундай таклиф, буюк аждодларимиз руҳига эҳтиром халқимизнинг олқишига сазовор бўлди, қалбларни ғурур-ифтихор туйғулари билан тўлдирди.

— Мамлакатимизнинг шонли тарихи муҳим воқеаларга бой ва улар дунёга кўз-кўз қилгудек, — дейди Хоразм Маъмун академияси раиси, академик Азимбой Саъдуллаев. — Хоразм Маъмун академиясининг қайта ташкил этилиши ва унинг минг йиллик тўйи халқаро миқёсда кенг нишонланиши замонамизнинг ана шундай улуғ тарихий воқеаларидан бири бўлди. Юбилей тантаналари биз кутгандан ҳам юқори савияда, баланд руҳда нишонланди. Бунга сабаб Юртбошимизнинг Хоразм маданияти ва тарихига, Хоразм Маъмун академиясига кўрсатаётган эътибори ва ғамхўрлиги, олимларга билдираётган катта ишончидир. Бу байрам шунчаки тадбир эмас. Бу улуғ тадбир ўзлигимизни янада теранроқ англашга, шонли илмий анъаналарни тиклаш, замонавий фан ва технологияларни ривожлантиришга, ёшларни бой меросимизнинг муносиб ворислари қилиб тарбиялашга хизмат қилади.

Кези келганда, айтиб ўтиш лозим. Байрам шарофати билан академиянинг моддий базаси мустаҳкамланди, кадрлар масаласи қайта кўриб чиқилди, мамлакатимиздаги ва хориждаги олий таълим даргоҳлари билан алоқалар мустаҳкамланди. Минг йил олдин Маъмун академияси олимлари яратган илмий мерос, унинг жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссаси муайян даражада ўрганилди. Ўнлаб рисолалар, китоблар чоп этилди. Беруний-нинг шу пайтгача қўл урилмаган илмий ишларининг баъзилари ўзбек тилига таржима қилинди. Франция, Бельгия, Жанубий Корея ва қатор Шарқ давлатларида юбилейга бағишланган халқаро конференциялар ўтказилди. Шунингдек, ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида ўтказилган халқаро илмий конференция кўплаб чет давлатлар олимларининг эътиборини тортди. Бундай илмий анжуманлар ўтказилиши жаҳон майдонида кўп минг йиллик тарихимиз буюклигининг эътирофи бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Дунё нигоҳи

Юй ПЭЙ,
Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Жаҳон тарихи институти директори:

— Марказий Осиё қадимий жаҳон цивилизациясининг бешикларидан биридир. Бу ерда неча юз йиллар аввал ҳам турли маданиятлар ёнма-ён яшаган, илғор илм-фан ва технологиялар ривож топган.

Хоразм Маъмун академияси машҳур астрономлар, файласуфлар, шифокорлар ва бошқа соҳа мутахассисларининг илму маърифат ўчоғи бўлган.

АМИР ТЕМУР ТЎҒРИСИДАГИ АСАРНИНГ ПАРИЖ ТАҚДИМОТИ

Мамлакатимизнинг Париждаги элчихонасида франциялик темуршунос олим Люсьен Керен қаламига мансуб «Темур даврида Самарқандга саёҳат» номли китобининг учинчи нашри тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Франция Сенати ва Миллий Ассамблеяси, давлат ва жамоат ташкилотлари, дипломатия корпуси вакиллари, ишбилармонлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Тақдимотда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров франциялик сенаторлар билан ўтказилган учрашувлар хусусида тўхталди. У бўлиб ўтган музокаралар чоғида Ўзбекистон — Франция муносабатларининг ҳозирги аҳволи ҳамда истиқболлари юзасидан ўзаро фикр алмашилганини айтиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий тараққиётида эришилган ютуқлар, Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти хусусидаги фикрларини ўртоқлашиши баробарида мустақилликнинг илк кунлариданоқ Президент Ислом Каримов аждодларимиз томонидан кўп асрлар давомида яратилган улкан маънавий ва маданий меросни қайта тиклашни давлат сиёсатининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгилаб берганини қайд этди.

У профессор Керенинг «Темур даврида Самарқандга саёҳат» китобининг аҳамияти ҳақида тўхталар экан, ушбу асар Ўзбекистон жамоатчилигида катта таассурот уйғотганини алоҳида таъкидлади.

— Китоб мутахассислар ҳамда танқидчилар томонидан юқори баҳоланди ва Темурийлар даврига бағишлаб Европада чоп этилган нашрларнинг энг яхшиси сифатида тан олинди, — деди у. — Люсьен Керен каби олимларнинг фаолияти халқларни бирлаштиради, уларга бир-бирининг тарихи ва келиб чиқиши ҳақида кўпроқ маълумотларни олиш имконини беради.

Тақдимот маросимида муаллиф, профессор Керен Амир Темур шахсининг жаҳон тарихида тутган ўрни беқиёс эканини таъкидлади.

— Европада, хусусан, Францияда кейинги пайтда буюк Амир Темур шахсига нисбатан қизиқиш сезиларли даражада ортди, — деди Л.Керен. — У ҳукмронлик қилган давр тўғрисидаги маълумотлар дунё тарихчилари, мутахассис, меъмор ва санъатшуносларининг диққатини тобора кўпроқ жалб этмоқда.

Учрашув давомида Л.Керен Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тўғрисида гапириб, бобокалонимиз нафақат буюк давлат арбоби, тажрибали дипломат ва маҳоратли саркарда, балки бетакрор бунёдкор, ташкилотчи, илм-фан ва санъат, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ раҳнамоси ҳам бўлганини қайд этди.

— Буюк Темурнинг энг катта хизмати эса у икки қитъа – Осиё ва Европани маънавий жиҳатдан бир-бирига яқинлаштирганидадир, — деди Л.Керен.

Ғайрат ШУКУРОВ, «Жаҳон» АА мухбири. Париж.

Мамлакатимизга "Microsoft" компаниясининг янги технологиялари кириб келганидан хабарингиз бор, албатта. Куни кеча пойтахтимиздаги "Dedeman" меҳмонхонасида компьютер имкониятларини кенгайтирувчи мазкур қурилмаларнинг тақдимот маросими ўтказилди.

«Microsoft» дастурлари тақдимоти

"Microsoft» технологияси — сизнинг бизнесингиз учун" мавзуидаги анжуман "UZINFOKOM" ахборот ва компьютер технологияларини ривожлантириш маркази ҳамда "Microsoft" компанияси ҳамкорлигида ташкиллаштирилди. Айтиш жоизки, кейинги пайтда компьютер технологияларининг янги авлодлари дунё юзини кўрмоқда. Эндиликда юртдошларимиз ҳам бундай қурилмалардан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

— Бизнинг марказ "Microsoft" компанияси билан ҳамкорликда янги технология дастурларини келтирди, — дейди "UZINFOKOM"-нинг Маркетинг ва таҳлилий гуруҳи раҳбари Равшан Алимуҳамедов. — Анжуманни ташкиллаштиришдан мақсад, ушбу янги дастурларни юртдошларимизга яқиндан таништириш ва уларга дастурлардан фойдаланиш имконини яратишдир.

Анжуманда компания томонидан ишлаб чиқарилган "Microsoft Exchange 2007", "Microsoft SharePoint 2007", "Microsoft Office 2007", "Live Communication Server" дастурларининг тақдимоти бўлиб ўтди. Компьютерда бажариладиган амалларнинг тез ва унумлилигини таъминловчи мазкур дастурлар юзасидан маърузалар ўқилди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ЗАВОЛ БИЛМАС МЕРОС

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз байрам куни Хоразм Маъмун академиясига ташриф буюриб, унинг фаолиятига, амалга оширилган илмий ишларга юқори баҳо бердилар. Академия лабораторияларидаги ноёб асбоб-ускуналар билан ҳам танишдилар. Уларни биологик, химик, физик илмий йўналишлардан ташқари амалиётда яна қайси соҳаларда қўллаш мумкинлиги билан қизиқдилар. Бу лабораториялардан Хоразм минтақасидаги қишлоқ хўжалиги, экологик муаммолар ечимини топишда фойдаланиш, Хоразмнинг «дард»ларига малҳам топиш, ислоҳотларга монанд равишда зарур илмий тавсиялар бериш лозимлигини кўрсатиб ўтдилар. Жумладан, генетик таҳлил (ПЦР) лабораторияси, атом адсорбцион спектрометри, икки нурли спектрометр каби аппаратларда қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш тизимида самарали илмий ишлар олиб бориш зарурлигини уқтирдилар. Бунинг учун академияга юқори малакали олимлар ва мутахассисларни жалб қилиш, керак бўлса, бу ерда ишлаш учун Ўзбекистон Фанлар академиясидан олимларни таклиф қилиш, шунингдек, иқтидорли маҳаллий ёш кадрларни тайёрлаш лозимлигини таъкидладилар. Давлатимиз раҳбари академиянинг тарихи музейида ҳам бўлдилар. Мазкур музей мазмунига кўра, ўзбек давлатчилиги тарихи ва унинг ривожланиш босқичларини, шунингдек, Ал-Хоразмий давридаги илм-фан ютуқлари, Маъмун академиясининг жаҳон фанига қўшган ҳиссаси, ундан кейинги илм-фан ютуқлари — Мирзо Улуғбек даври ва ҳозирги даврда қилинган илмий ишларни акс эттириши кўзда тутилган эди.

Президентимиз бу ерда тарихчи олимлар билан мулоқотда бўлиб, зардуштийлик ва ўзбек давлатчилиги асосларини ҳақиқий акс эттириш бўйича ўз фикрларини билдирдилар.

Юртбошимиз байрам тантаналарида сўзлаган нутқларида **«Бу ҳаёт, бу умр бамисоли Амударё сувидек тез ва шиддат билан ўтиб кетар, лекин инсоннинг эзгу ишлари, эзгу хотираси боқий яшайди. Ишончим комилки, Хоразм Маъмун академияси алломалари бизга, башарият аҳлига қолдирган бой илмий мерос завол билмайди, ҳеч қачон ўзининг қиммати ва аҳамиятини йўқотмайди»**, дея таъкидлаб ўтдилар. Бу кенг мазмунли фикрлар халқимиз келажакда ҳам ўз тарихий меросини нечоғли асраб-авайлашига катта ишонч уйғотади. Зеро, халқимизнинг буюк тарихида унинг ўзлиги мужассамлашган. Ўзлигини асраган, улуғлаган халқ фақат бунёдкорлик ва эзгуликка қодирдир. Бунда унинг аждодлари ёққан буюк маърифат чироғи унинг йўлини чароғон қилиб тураверади.

Бахтимиз шуки, тарихимизнинг унутилмас онларига гувоҳ бўлиб турибмиз. Боқий қадриятларимизнинг ушбу тантанаси ҳам, ушбу саодатли кунлар ҳам тарих занжирига битта олтин ҳалқа бўлиб боғланажак. Бу ҳалқа эзгулик, ҳақиқат ҳалқасидир. У келажакда ҳам ҳеч қачон хотиралардан ўчмайди ва қалбларга илиқ нур бахш этиб туради.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бозор инфратузилмаси

Бозор иқтисодиёти шароитида республикамизда юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта ва лизинг каби истиқболли хизмат турлари ташкил этилиб, бугунги кунда улар тобора шаклланиб бормоқда. Муҳими, бу бозор институтлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этаяпти.

Ёдингизда бўлса, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида янги иш бошлаётган тадбиркорларнинг ўз фаолияти учун зарур ускуна ва жиҳозлар сотиб олишга имкон берадиган лизинг тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишни таъкидлаган эди. Ўзбекистон Банклар ассоциацияси томонидан ташкил этилган «Барака» универсал лизинг компанияси ана шу кўрсатма ва йўл-йўриқларга қатъий амал қилиб, ҳозирда мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорлар ва ишбилармонларга самарали лизинг хизмати кўрсатиб келмоқда.

«БАРАКА»НИНГ ЛИЗИНГ ХИЗМАТИ

— Жорий йилнинг ўтган даврида компаниямиз томонидан умумий қиймати қарийб 400 миллион сўмлик 6 та лизинг шартномаси имзоланди, — деди унинг Бош директори Маҳкам Абдураҳмонов биз билан суҳбатда. — Мазкур шартномаларнинг аҳамияти шундаки, агар улар белгиланган тартибда тўғри тузилса, бу ҳужжатларда томонларнинг жавобгарлик даражаси олдиндан белгилаб олинса, мабодо шартнома шартларини ижро этишда келишмовчилик ёки амалиётда бирон-бир низо келиб чиққан тақдирда, уни тезда бартараф этиш чоралари кўрилса, лизинг олувчию лизинг берувчи ҳам, давлат ҳам бирдек манфаатдор бўлади.

Гап шундаки, лизинг — ижара муносабатларининг алоҳида турларидан бири. Унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан, учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида кўрсатилган объектни мулк сифатида сотиб олади.

Биз ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 апрелдаги «Лизинг хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, шунингдек, лизинг фаолияти билан шуғулланувчи компанияларни ташкил этишга доир ҳукумат қарорлари талаблари асосида иш олиб бораяпмиз. Шу боис тузилган шартномаларнинг пухта бўлиши, шартлари эса тўла-тўкис бажарилиши таъминланаяпти.

Айниқса, Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори юртимиздаги бозор инфратузилмаси ташкилотлари, жумладан, бизнинг жамоамиз олдига ҳам муҳим вазифаларни қўйди. Бу Қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, «Барака» универсал лизинг компанияси айнан шу соҳанинг ривожига алоҳида эътибор бераяпти. 2006 йил давомида имзоланган лизинг шартномаларининг аксарияти хизмат кўрсатиш соҳасига тааллуқли эканлиги шундан далолат беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сўнгги пайтларда хусусий тадбиркорлик субъектлари аҳолига айнан такси хизмати кўрсатишга қизиқиш билдирмоқдалар. Биз бу борадаги ташаббусларни ҳам доимо қўллаб-қувватлаб келаяпмиз. Масалан, Фарғона шаҳридаги «FarSarbonZiyo» масъулияти чекланган жамиятига компаниямиз томонидан 9 дона «Матиз» русумли автоулов лизинг шартлари асосида берилганди. Ушбу автомашиналар бугунги кунда шаҳардаги ички йўналишларда, қолаверса, Фарғона — Қўқон — Фарғона йўналишида ҳам қатнамоқда. Натижада корхона аҳолига транспорт хизматини кўрсатишни яхшилабгина қолмай, балки ишсиз ҳайдовчиларни иш билан таъминлашга, банкка тушириладиган нақд пул ҳажмларини оширишга ўзининг катта ҳиссасини қўшаётир. Шу билан бирга, олинган фойдадан лизинг тўловлари ҳам мунтазам тўлаб борилмоқда.

— Маҳкам Акбарович, бу йил «Барака» универсал лизинг компанияси Ўзбекистон Лизинг берувчилар ассоциациясига аъзо бўлди. Бундан жамоа қандай наф кўради?

— Маълумки, қайси соҳа бўлмасин, унинг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан ишда белгиланган меъёрий ҳужжатларга амал қилиш, яъни қонун талаблари асосида фаолият юритишга боғлиқ. Шу маънода, Лизинг берувчилар ассоциациясининг асосий фаолиятларидан бири ҳам айнан Ўзбекистондаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш орқали лизинг хизматлари бозорининг ривожланиши учун қулай шароит яратиш ҳисобланади. Ўтган қисқа давр ичида мазкур ташкилот томонидан «Лизинг тўғрисида»ги Қонунга ҳамда лизинг хизматларига доир Солиқ кодексининг тегишли моддаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида ҳукумат органларига берилган бир қатор таклифлар бунинг тасдиғидир. Шундан келиб чиқиб, айтишим мумкинки, компаниямиз ассоциациянинг аъзоси сифатида ундан лизинг хизматлари бозорида барча лизинг берувчиларга тенг шароитни яратиш орқали соғлом рақобат муҳитини вужудга келтиришини кутмоқда. Бундан ташқари, хориж инвестициялари ҳамда кредит линияларини жалб этган ҳолда, уларни Ўзбекистондаги лизинг берувчи компаниялар ўртасида тенг тақсимланишини таъминлашда ҳам бу ассоциация ўзига хос мақомга эга деб ҳисоблаймиз.

— «Барака» УЛК фаолиятини янада ривожлантириш учун, сизнингча, қайси жиҳатларга кўпроқ эътиборни қаратиш зарур?

— Биласиз, бизнинг асосий йўналишимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган хўжалик юритувчи субъектлар билан ишлашдан иборат. Шундан келиб чиққан ҳолда, компаниямиз фаолиятини ривожлантириш учун учта мақсадни ўз олдимизга қўйганмиз. Булар — лизинг ҳажмини кўпайтириш учун Устав капитали ва айланма маблағларни ошириш, лизинг бозоридаги ўрнимизни мустаҳкамлаш ниятида мижозларни кенг миқёсда жалб этиш ҳамда кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилашдир.

Қўшимча маблағларни жалб қилиш мақсадида эса Президентимизнинг 2006 йил 27 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш тўғрисида»ги Қарори талабларига мувофиқ, хориж тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, келажакда облигация чиқаришни мўлжаллаймоқдамиз.

Компаниямизнинг яна бир муҳим вазифаларидан бири — бу лизинг турларини янада кўпайтириш ҳисобланади. Микролизинг (лизинг суммаси энг кам иш ҳақининг 2 минг баробаридан ошмаган миқдорда), револьверли лизинг (лизинг шартлари асосида олинаётган ускунани кетма-кет алмаштириш), алоҳида лизинг (объект қийматининг фақат маълум бир қисмини молиялаш), сублизинг (лизинг олувчининг мулкни учинчи томонга ижарага бериши)ни амалиётга кенг жорий қилиш шулар сирасига киради.

Лизинг соҳасидаги ана шу вазифаларни амалга ошириш учун «Барака» УЛК кўпгина банклар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича шартномалар имзолади. Бу яқин орада йирик лизинг лойиҳаларини бир нечта банк ва лизинг компаниялари билан биргаликда шерикчилик (синдикатлашган) асосида молиялаштириш имконини беради. Бундан ташқари, хорижий лизинг компаниялари билан ҳамкорликда узоқ муддатли кредит линияларини жалб қилиш орқали Ўзбекистондаги йирик лойиҳаларни молиялаштиришни ҳам кўзлаб турибмиз.

Лизинг хизматларининг ривожланиши пировардида ҳар бир тадбиркорлик субъектининг ўз фаолиятини янада кенгайтириши, мавжуд активини янгилаб, иш сифатини оширишига хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, лизинг олувчи мижозларга қўйиладиган талабларни енгиллаштириш, уларнинг амалдаги қонунчилик талабларига жавоб беришини таъминлаш, қисқа муддатда мижозга керакли бўлган сифатли технологияни топиш ва лизинг шартномасини расмийлаштириш, кадрлар малакасини ошириш, хизматларимизга оид барча маълумотларни аниқ, тез ва изчил етказиш учун Интернетдан унумли фойдаланишни талаб этади. Биз ҳозир шу йўналишлар бўйича иш олиб бораяпмиз.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

«Халқ сўзи» мухбири Икром ЎТБОСАРОВ суҳбатлашди.

Савол сиздан...



Мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқи ва манфаатлари қонун ҳужжатлари билан ҳимояланган. Аҳолининг бундан хабардорлигини ошириш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижасини бераяпти ҳам. Бироқ ҳали етарли даражада эмас. Буни газетхонларнинг ҳудди шу мавзуда турли саволлар билан таҳририятимизга йўллаётган мактубларидан ҳам билиш мумкин.

Ҳақ ишни халқ қўллар

Қуйида Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳуқуқий ҳимоя ва ахборот бўлими бошлиғи Рихсивой БЕКМАТОВнинг ана шу мурожаатлардан айримларига жавоби билан танишасиз.

Туманимиз деҳқон бозорининг автомобилларни вақтинча тўхтатиш жойида машинамни қолдириб, ўзим бозорга кириб кетдим. Орадан тахминан бир соатларча вақт ўтгач, қайтиб чиқдим. Билдимки, автоуловимдаги қимматбаҳо буюмлар йўқолибди. Ушбу ҳолатда мен автомобилларни вақтинча тўхтатиш маъмуриятига даъво қилишим мумкинми? Ахир патта тўловини ўз вақтида тўлаганман-ку?

К.ҚОДИРОВ.
Шаҳрисабз тумани.

— Сиз бу вазиятда даъво қилишга ҳақли эмассиз. Чунки автомобилларни вақтинча тўхтатиш жойидан фойдаланиш хизмати қоидаларига кўра, маъмурият автомобилларнинг фақат қисмлари бўйича жавобгар ҳисобланади. Шу боис қимматбаҳо буюмларингиз ўғирлаб кетилгани юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилишингизга тўғри келади.

— — — — — — — — — — — — — — — — — — — —

Уйимни таъмирлатиш учун қурилиш фирмаси билан шартнома туздим. Бу ҳужжатда таъмирлаш ишлари бўйича муддатлар аниқ кўрсатилган. Лекин фирма бунга амал қилмаяпти. Мен қандай йўл тутишим керак?

И.АҲМЕДОВ.
Косонсой тумани.

— Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни 19-моддасига мувофиқ, агар ижрочи шартномани ижро этишга ўз вақтида киришмаса ёки шартноманинг белгиланган муддатда бажарилмаслиги аён бўлиб қолса, истеъмолчи ундан воз кечиши мумкин. Етказилган зарарнинг қопланишини ҳам талаб қилишга ҳақли.

— — — — — — — — — — — — — — — — — — — —

Озиқ-овқат дўконига колбаса сотиб олиш ниятида кирдим. Сотувчи йигитдан маҳсулотнинг сифатини кафолатловчи ҳужжатни сўрадим. У менга техник паспорт ва тиббий кўрикдан ўтилганини тасдиқловчи дафтарчани кўрсатди. Шу тўғрими?

А.ЭРГАШЕВ.
Нишон тумани.

— Сотувчининг бу хатти-ҳаракати нотўғри. Чунки колбаса тез бузилувчан озиқ-овқат маҳсулотларидан бири бўлиб, унга техник паспорт эмас, балки гигиеник сертификат берилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли Қарори билан тасдиқланган қоидалар орқали бу ҳақда тўлиқ маълумот олишингиз мумкин.

— — — — — — — — — — — — — — — — — — — —

Дорихоналардан харид қилинган дори-дармонларга шубҳа туғилса, қандай йўл тутиш керак? Умуман, уларни сотиш ва сотиб олиш тартибини тушунтириб берсангиз.

Б.АВЕЗОВ.
Хонқа тумани.

— Агар шундай ҳолатга дуч келсангиз, ҳеч иккиланмай синов-сертификатлаштириш бошқармалари ёки истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаларига ёзма равишда мурожаат қилинг. Шунда ҳар қандай хавотирлардан холи бўласиз. Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни 10-моддасига кўра, дорихоналардаги мавжуд дори-дармонларнинг ҳар бирида маълумотномалар давлат ва рус тилларида ёзилган бўлиши шарт. Уларни назорат-касса машинаси чекисиз сотиш қатъиян ман этилади.

— — — — — — — — — — — — — — — — — — — —

Соғлиғимни тиклаш учун дорихонадан ўз билганимча дори сотиб олдим. Лекин шифокорим уни истеъмол қилмаслигимни тайинлади. Шу боис дорини қайтиб олишларини сўраб, ўша дўконга мурожаат қилдим. Негадир сотувчи бунга рад жавобини берди. Ким ҳақ?

Н.ЮСУПОВ.
Учкўприк тумани.

— Бу ҳолатда дорихона сотувчиси ҳақ. Сабаби, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли Қарори билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ, дори-дармон воситалари алмаштирилмайдиган ёки қайтариб олинмайдиган товарлар сирасига киради.

Жавобларни "Халқ сўзи" мухбири Шавкат ОРТИҚОВ ёзиб олди.

Куз хаёллари



Эссе

Мабодо тунда дераза яқинида ётсангиз, элас-элас бўлса-да, тарнову шифер четларидан томаётган томчиларнинг «чак-чаки»ни эшитиб қоласиз. У ёмғир томчилари эмас. У намликнинг бир-бири билан ачом-ачом қилиб, замин бағрига сингишидан аввалги шивирларидир. Боғларда хазон ҳиди гуркирайди. Уни шамолу шабадалар қўлларига хипчин олиб олдиларига солганча гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга қувлаб юради. Ердан... ернинг иси келади. Уни бошқа бирор-бир ҳид билан адаштириб бўлмайди. Ажаб, мана шу паллаларда бу ис кўнгилга маъюс туйғуларни уфургани уфурган.

Ишкомлардан ток новдалари туша бошлади. Анорлар аввал елкасига хас-чўп ёпинди. Кейин нам тупроқ ичида кўринмай кетди. Анжир новдаларининг тақдири ҳам шул бўлди. Анжир совуққа мўрт келади. Биргина изғирин, биргина булдуруқ уни нобуд қилиши мумкин.

... Анорнинг энг пастки шохидан муштдан кичикроқ мева топиб олдим. Шанба эди. Турдиқул амаки ҳам анор кўмаётган экан. Қарасам, уватнинг четида қўшним анор ёяяпти. Бир-биримизнинг қўлларимизда анор кўриб кулиб юбордик. Оғзимга сув тўлди. Анорнинг бир четидан тишлаб уни иккига бўлдим. Орамизда четан бор. Орамизда кўнгил бор. Бундай кезлари суҳбатлашгинг келади...

Жиззахдан чиқиб Самарқандга қадар ястанган кафтдек текис йўл. Илон изи йўл. Сукут-ла кузатмоқ керак, бу йўлларни. Сангзор. Темур бобомизнинг ғори. Илгирлар қишлоғи бўлган Музбулокда йўлларни ёндириб барглар товланади. Пириллаб учади. Улар машина ғилдираклари қўзғатган шамолларга дош беролмай йўлнинг икки четига югуриклаб қолишади.

Баргларнинг ранги зарғалдоқ, оч сариқ, олов ранг, қип-қизил.

Ўзингизча Китобу Шаҳрисабзда манзара бўлакча, деб ўйламанг. Қамчиқ довонию Шаҳрихон томонларда кўринишлар бошқача, деган хаёлга борманг. Уёқда-да йўллар ёнади. Йўл четлари ловуллайди.

Бойсундаги Абди ўтинчи омонмикин? Ҳамон хачирда қишлоққа қуриган арча шохларини ташиётганмикин? Эгнидаги офтоб нурию кузак ёмғирларидан ўнниқиб кетган чопони уни кўрганларга маъсум фаслни эслатмасмикин...

Кечагина шу адирлар, қирлар, шу тоғу тошлар қашқабедалар билан тўлиб-тошмаганмиди? Миллионмиллион лолақизғалдоқлар кўз қувнатмаганмиди?

... Одамнинг ичида нимадир узилгандек бўлади. Ахир минг йиллик ёнғоқлардан барглар дув-дув тўкилмоқда. Оқпилла ўриклар ечина бошлади. Сарвқомат тераклар уялиб-қимтиниб бир-бирларининг панжига шошилади. Беҳиларнинг ости хазонлардан кўрпа ёпинди, Қўқон гилосларнинг шохлари энди савағични эслатмоқда. Асрларни қаритган чинорлар ҳам мўйсафид фасл қаршисида ожиз қолди...

Менга қолса куз бўлмасин. Менга қолса хазонрезги онлари унут бўлсин. Хазонлар шитирини эмас, чучмомалар қиқирлашини тинглагим келади.

... Шаҳарда кузни кўпам илғашмайди. Кўпам куздан хафа бўлишмайди. Бир ҳисобда шуям тузук. Ахир куз деганлари қайғу эмас-ку! Куз ҳам бир айём-да. У ҳам бир палла-да. Тунлари изғиринлар ҳали йиғиштириб олинмаган булғор қалампирларининг юлдузларидан чимдиб-чимдиб қўяди. Ялпизлар ҳайрон. Райҳонлар лол. Ўсмалар боягина булутлар қўйнига кириб кетган қуёшни кутиб жимгина нафас олишади.

... Шаҳарда кузни кўпам пайқашмайди. Фаррош холалар ҳали сиз ишга отланмасдан хазонларни супуриб-сидириб олган бўлишади. Фақат музқаймоқлар савдоси андак сустлашган. Фақат иссиқ кийим илинжида қопқоғи очилган сандиқлардан таралган нафталин ҳидигина куздан дарак беради. Фақат қалдирғочларсиз мунғайиб турган уялар куздан эртаклар сўйлайди.

Қишлоқларда қишга ғўзапоя ғамлаш жадал бормоқда. Хоразм чўлларида кузнинг илиқ ёмғирлари туфайли барханларда жиловлар сўнгги бор қулф уриб кўкарди. Сукунат фасли бу. Тоштарози фасли бу. Кузнинг сўнгги ойи ҳам бир тутам. Унинг ортидан келаётган фасл ҳам бир тутам. Тандирда ловиллаб ёнган қип-қизил чўғларни оташкуракда танчага учтўрт бор солгунингча қиш ҳам ўтиб кетади.

Гапирсак кўкламни гапирайлик. Соғинсак кўкламни соғинайлик.

Ана, Аббос билан Ўрол Ўзбек айвондаги панжара орасидан чўлбирларини чиқариб, «ким ўзар» ўйинини ўйнашаяпти. Уларга куз деганлари уч пул. На оналарининг, на опаларининг гаплари қулоқларига киради. Тўрт ёшли тенгдошлар қийқиргани қийқирган.

Муюлишда эса саксон олти ёшли Омон чол ўтирибди. Омон чолнинг қўлларида ҳасса бор. Баъзан ўзи билан ўзи гаплашади. Ҳасса билан хазонларни титкилаб-титкилаб қўяди. Нималарни ўйлаб, нималарни сарҳисоб қилаётган экан, бу бобо? Эҳтимол, кузак унинг юракларини зада қилгандир. Эҳтимол, бу бобо кўкламни кутиб тамшанаётгандир. Яна уни кўраманми, дея андуҳларга ботаётгандир...

... Отам Чақирдан белбоғининг қатидаги гугурт қутисида қизғалдоқ уруғини олиб келганди. Ўттиз йилдан буён ҳовлимиз, боғларимиз ҳар кўклам олов бўлиб ёнади. Ўттиз йилдан буён маҳалла-кўй ҳовлимиздаги ана шу гулханга ҳавас билан тикилади. Қизғалдоқ фақат бир кун яшайди. Яшаганда ҳам ўша бир куннинг ярмини яшайди. Аммо кўнгил унга талпилгани талпинган. Негаки, у гул. Гулга талпинмоқ кўнгилнинг энг зоҳирий матлабидир.

... Янаги йили, албатта, Чақирга бораман. Албатта май адоғида чопонимнинг қўйнида қизғалдоқнинг ҳар-ҳар жойидан йиғиштириб олинган уруғлари бўлади. Мен Чақирдан уйга қадар пиёда келаман. Келаётиб қўйнимдаги уруғларнинг тўкилаётганини сезиб тураман. Мен гашт қиламан. Мен роҳат қиламан. Ховос, Янгиер, Боёвут йўлларига қизғалдоқ уруғлари тўкилаяпти. Қўйнимдаги ана шу гул уруғлари қанча кўп тўкилса, армонларим шамдай эриётганлигини сезиб шодланиб кетаман.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Владимир Путин ва Жорж Буш Россиянинг ЖСТга аъзо бўлиб кириши юзасидан эртага Ханойда бўлиб ўтадиган саммитда икки томонлама протокол имзоланишини тасдиқладилар. Бу ҳақда РИА «Новости» мухбирига Россия президентининг матбуот котиби Алексей Громов маълум қилди.

Туркия Франция билан ҳарбий алоқаларни тўхтатди. Мамлакат армияси бош штаби раҳбари генерал Илькер Башбуг бу ҳақда баёнот билан чиқди. Унинг сўзларига қараганда, Франция томонидан қабул қилинган қонун бунга сабаб бўлди. Қонунда Усмонийлар империяси даврида арманларнинг оммавий қирғин қилиниши жиноят, дея таъкидланган.

«Ал-Жазира» инглиз тилида дастурларини намойиш этишни бошлади. Унинг кўрсатувлари эндиликда Ернинг сунъий йўлдоши орқали бутун дунёга узатилади. Мазкур канал Яқин Шарқдаги энг етакчи оммавий ахборот воситаси ҳисобланади. «Ал-Жазира» раҳбариятининг билдиришича, канал 40 миллион оилани қамраб олган аудиторияга эга.

Ҳиндистон ва Покистон терроризмга қарши бирга курашмоқчи. Бу борада икки мамлакат ҳудудида фаолият юритадиган қўшма комиссия тузилди. Бироқ томонлар ҳалигача икки мамлакат ўртасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган Кашмир масаласида бир тўхтамга келганлари йўқ.

Англия қироличаси Елизавета II мамлакат парламенти депутатлари олдида анъанавий йиллик чиқиш қилди. Қиролича ҳукуматнинг келгуси йилдаги фаолияти асосий йўналишларини белгилаб берар экан, хавфсизлик ва жиноятчиликка қарши кураш етакчи вазифа бўлишини таъкидлади. Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатда сўнгги йилларда жиноятчилик ҳаддан ташқари кўпайиб бормоқда.

Европа Иттифоқи Польшани давлат бюджетидаги дефицит учун айбламоқда. Еврокомиссия мамлакатнинг амалдаги ҳукумати бюджетдаги мавжуд дефицитни қисқартириш салоҳиятига эга эмас, деб ҳисобламоқда. Ҳозир Польша бюджетидаги дефицит 3,7 фоизни ташкил қилмоқда. Қоидага кўра, ЕИга аъзо давлатларда бу кўрсаткич 3 фоиздан ошмаслиги керак.

Исроил ҳарбийлари Газо минтақасидаги бир неча уйларни бомбардимон қилди. Дастлабки маълумотларга кўра, бир инсон жароҳатланган. Ҳарбийлар Фаластиндан Исроилга отилган ракета ҳужумига жавобан махсус амалиёт ўтказганлар.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«Ҳизб-ут-Таҳрир»нинг қўли Буюк Британия ИИВ га қадар етибди

«Ҳизб-ут-Таҳрир» етакчиси Буюк Британия Ички ишлар вазирлигида ишлайди! Бу янгилик Туманли Альбион жамоатчилигини том маънода донг қолдирди. Британияликлар дунёдаги энг ашаддий руҳдаги, мамлакат ҳудудида амалга оширилган энг йирик қўпорувчилик ҳаракатига алоқадорликда гумон қилинаётган ташкилот тарафдори Бирлашган Қиролликнинг нуфузли идоралардан бири – Ички ишлар вазирлигига кириб олишини сира ҳам кутмаган эди. Чунки мантиқан олиб қараганда, бу вазирлик «Ҳизб-ут-Таҳрир» сингари ташкилотлар билан курашиши керак-ку.

«Немис тўлқини»нинг хабар беришича, «BBC Newsnight» кўрсатуви дастурида намойиш этилган ушбу мавзудаги репортаж худди бомба портлаганидек одамлар ақлини шоширди. Абу Жавейд — «Ҳизб-ут-Таҳрир» Лондон бўлинмаси етакчиларидан бирининг исми айнан шундай. У Британия пойтахти жанубидаги Кройдон туманида, мамлакат ИИВнинг иммиграция ва фуқаролик масалалари бўйича Департаментида ишлаган. У вазирликнинг ҳар куни юзлаб хорижликлар сиёсий бошпана, виза муддатини узайтириш ёхуд Британия фуқаролигини олишни сўраб мурожаат этадиган энг юмуши кўп бўлимларидан бири ҳисобланади.

Ўтган йил июлида Лондон метросида содир этилган терактлардан сўнг Британия ҳукумати Бирлашган Қироллик ҳудудида «Ҳизб-ут-Таҳрир» фаолиятини таъқиқлаш борасида жиддий ўйга толган эди. Ўшанда Бош вазир Тони Блэр «Ҳизб-ут-Таҳрир»ни таъқиқлаш ниятида эканини очиқдан-очиқ эълон қилган эди. Бироқ алал-оқибатда у фикридан қайтди, негаки, Абу Жавед ишлайдиган ўша хавфсизлик хизматидагилар бундай чора ташкилот тарафдорларини янада радикаллаштириши ва қўзғатиб юбориши мумкин, деб ўйлашган эди!

«Ҳизб-ут-Таҳрир»нинг экстремистик руҳдалиги, унинг жиноятчилик дунёси етакчилари билан алоқада экани, ташкилот томонидан ёшлар ўртасида диний бесабрлик ва террорчиликнинг тарғиб этилиши фаоллашаётгани, ташкилот аъзолари ҳуқуқ-тартибот идораларига кириб боришаётгани, уларнинг тараққийпарвар мусулмонлар етакчиларига тазйиқ ўтказиши кучайиб бораётгани тўғрисида Британия оммавий ахборот воситаларида деярли ҳар куни ўнлаб мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар эълон қилинмоқда.

Хусусан, «Newsnight»нинг бутун Британияга шовшув бўлган репортажидан сўнг «Би-Би-Си 4» радиоканали ва нуфузли «Daily Mail» нашрининг журналистлари ҳам ана шундай фош этувчи репортажлар билан чиқдилар.

Бироқ журналистлар томонидан тақдим этилган далил-исботларга қарамай, ташкилот ўзининг экстремистик мафкурасини эминэркин тарғиб этишда давом этмоқда, Бирлашган Қироллик ҳукумати эса унга тегишга чўчиб, кўз юмишни афзал билмоқда.

«Ҳизб-ут-Таҳрир» билан боғлиқ можаро муносабати билан Британия тўлқинланиб турган бир пайтда ташкилот вазиятдан чиқишга уриниб кўрди. Лекин жонли эфирга рози бўлган ташкилотнинг Британия бўлинмаси вакили Абдул Воҳид ташкилотни айблайдиган далилларни жўяли шарҳлаб бера олмади, бу эса Британия жамоатчилиги ўртасида янада кучлироқ шовшувга сабаб бўлди.

Буларнинг барчасидан сўнг «Ҳизб-ут-Таҳрир» сайтида «Би-Би-Си» репортажлари «туҳматдан иборат» экани тўғрисидаги пресс-релиз эълон қилиндики, унда ташкилот тарафдорлари «жавоб акциялари»ни қўллашга даъват этилган. Бу чоралар қандай бўлишини эса биз ҳарқалай тез орада билиб олсак керак.

Хорижий ОАВ материаллари асосида тайёрланди.

Спорт

АЛИШЕР — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Ялта шаҳрида кикбокснинг "лоукик" йўналиши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини уч нафар кикбоксчимиз ҳимоя қилди.

Олтин медаль учун ўтказилган муҳим беллашувда Алишер Абдуллаев рақибини мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Жаҳонгир Кўчмуродов эса иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаль билан тақдирланди. Учинчи вакилимиз — Икром Эргашев саралаш босқичида рақибига имконият бой берди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.

Солиқ Ва ОАВ:

Ҳамкорликда гап кўп

Қарши шаҳридаги «Журналистлар уйи»да Солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва соҳадаги ютуқ ҳамда муаммоларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Унда вилоят давлат солиқ бошқармаси, шаҳар ва туманлар солиқ инспекцияларининг раҳбарлари, уларда ташкил этилган ахборот гуруҳларининг аъзолари иштирок этдилар.

Республика Давлат солиқ қўмитаси вакиллари, вилоят давлат солиқ бошқармаси раҳбарлари шу мавзуда тайёрланаётган мақолалар, хабарлар, телекўрсатувларни таҳлил қилиб, уларнинг янада ҳозиржавоб ва таъсирчан бўлиши юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Анжуманда, шунингдек, вилоят давлат солиқ бошқармаси ахборот гуруҳининг оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик қилаётгани таъкидлангани ҳолда, шаҳар ва туманларда бу соҳада камчиликлар мавжудлиги қайд этилди. Айниқса, солиқ тизими ходимлари солиқ сиёсатини аҳоли ўртасида тарғиб қилишда газета, радио ва телевидениедан кенг фойдаланишлари зарурлиги уқтирилди. Солиқчилар ва журналистлар мулоқоти чоғида ҳамкорликнинг янги қирралари ҳақида ўзаро келишиб олинди.

Б.НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Республика кўчмас мулк биржаси ҳудудий филиаллари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Суд департаменти томонидан ҳатланган қуйидаги транспорт воситалари ва кўчмас мулклар қўйилади:

Тошкент шаҳар савдо майдончаси

Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан хатланган «Жамшид Гўзалхон» ХФга тегишли Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, А.Темур ва Х.Эргашев кўчалари кесишган чорраҳада 9 қаватли уйнинг 1-қаватидаги умумий майдони 356 кв.м. ер майдонида жойлашган 310 кв.м.ни ташкил этувчи бино ва иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 242 260 000 сўм.

Аукцион савдоси **2006 йил 5 декабрь куни соат 11.00 да** Республика кўчмас мулк биржаси биноси мажлислар залида ўтказилади. Объектлар 2006 йил 5 декабрь куни сотилмаган тақдирда **7, 12, 14, 19, 21, 26, 28 декабрь** кунлари аукцион савдолари давом эттирилади.

Тошкент вилояти савдо майдончаси

Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган «Бекободнеруд» ОАЖга қарашли, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Цементчи кўчаси, 1-уйда жойлашган.

1. **ТЭМ 2-2373 тепловози.**
   Бошланғич баҳоси — 40 350 483 сўм.
2. **ТЭМ 2У 8241 тепловози.**
   Бошланғич баҳоси — 49 662 132 сўм.

Аукцион савдоси **2006 йил 12 декабрь куни соат 11.00 да** Республика кўчмас мулк биржаси биноси мажлислар залида ўтказилади. Объект 2006 йил 12 декабрь куни сотилмаган тақдирда **14, 19, 21, 26, 28 декабрь, 2007 йил 2, 4, 9, 11, 16, 23, 25, 30 январь ва 1, 6, 8 февраль** кунлари аукцион савдолари давом эттирилади.

Жиззах вилояти филали

Жиззах шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган «Жиззах ЛРС Пласт» қўшма корхонасига қарашли, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уйда жойлашган ишлаб чиқариш биноси.

Бошланғич баҳоси — 119 921 555 сўм.

Аукцион савдоси **2006 йил 13 декабрь ва 2007 йилнинг 3 январь кунлари соат 11.00 да** Республика кўчмас мулк биржаси Жиззах вилояти филиали биносида ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини

РКМБ Тошкент шаҳар савдо майдончасининг қуйидаги:
ҳ/р 20210000700571452062, МФО 00425, АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалида, ИНН 200933850 ҳисоб рақамига;
РКМБ Тошкент вилояти савдо майдончасининг қуйидаги:
ҳ/р 20210000500571452057, МФО 00425, АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалида, ИНН 200933850 ҳисоб рақамига;
РКМБ Жиззах вилояти филиалининг қуйидаги:
ҳ/р 20210000000571452050, «Ipoteka» banki Sangzor filiali, код 00834 ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Қўшимча маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилларга мурожаат этиш мумкин:
РКМБ Тошкент шаҳар савдо майдончаси манзили:
Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.
Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73.
РКМБ Тошкент вилояти савдо майдончаси манзили: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй. Телефонлар: 133-28-52, 133-49-31.
РКМБ Жиззах вилояти филиали манзили: Жиззах шаҳар, Ш.Рашидов шоҳкўчаси, 39-уй. Телефонлар: код 8-(372) 222-35-77, 222-34-16, 222-36-19.

Интернет сайтимиз: www.rkmb.uz

Лицензия DB 001 №000004

АЛОҚА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА !

Алоқа соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ва почта алоқаси корхоналари томонидан турли тўловларни амалга оширишда ўрнатилган тартибнинг бузилиши ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол қилинишига йўл қўйилганда шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача (тушлик 13.00 дан 14.00 гача) Давлат алоқа инспекциясининг

137-01-11

рақамли

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»

хизматига қўнғироқ қилинг.

Манзилимиз:
Тошкент ш., А. Толстой к., 1-уй, 1-қават.
E-mail:: sanktsiya@gis.uz

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Давлат алоқа инспекцияларида шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 16.00 гача (тушлик 13.00 дан 14.00 гача) қуйидаги "Ишонч телефони" хизматларига мурожаат қилишингиз мумкин:

1.	Қорақалпоғистон Республикаси	224-01-11
2.	Андижон вилояти	24-01-11
3.	Бухоро вилояти	223-01-11
4.	Жиззах вилояти	226-01-11
5.	Қашқадарё вилояти	221-01-11
6.	Навоий вилояти	224-01-11
7.	Наманган вилояти	6-01-11
8.	Самарқанд вилояти	22-01-11
9.	Сирдарё вилояти	40-01-11
10.	Сурхондарё вилояти	7-01-11
11.	Хоразм вилояти	226-01-11
12.	Тошкент вилояти	135-01-11
13.	Фарғона вилояти	23-01-11
14.	Тошкент шаҳри	136-01-11

АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЗАРАФШОН»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

кузатув кенгаши барча акциядорларга акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши шу йил 1 декабрь куни Самарқанд шаҳри, Регистон кўчаси, 13-уйда ўтказилишини маълум қилади.

«Зарафшон» очиқ акциядорлик жамиятининг 2006 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра ёпилган реестрига киритилган барча акциядорлар йиғилишга таклиф этиладилар.

Умумий йиғилишда қатнашадиган акциядорларни рўйхатга олиш шу йил 1 декабрь куни соат 9.00 дан 10.00 гача амалга оширилади ва соат 11.00 да умумий йиғилиш бошланади.

Умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2006 йил 29 сентябрда ўтказилган йиғилишнинг 14-сонли баённомаси 3.3 бандининг «Зарафшон» очиқ акциядорлик жамияти тугатилиши ҳақидаги талаби ижросини таъминлаш тўғрисида*

Кузатув кенгаши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2006 йил 29 сентябрда ўтказилган йиғилишнинг 14-сонли баённомаси 3.3 бандига мувофиқ «Зарафшон» очиқ акциядорлик жамияти тугатилмоқда.

Барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Самарқанд ш., Регистон к., 13-уй.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)



Россиянинг «Сигнал» компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, электрон блокли (БК) мувофиқлаштирадиган

турбинали саноат газ ўлчагичларини (СТГ) таклиф этади.

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда, Мўлжал – Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 139-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Газдевайс» ЁАЖнинг (Россия, Москва) Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили

«Крокус Газ Сервис» ҚК

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

Россияда ишлаб чиқарилган «АГАТ» русумли, ультратовушли, ўлчанаётган газ ҳароратини автоматик равишда тўғрилайдиган,

замонавий электрон газ ўлчагичларини таклиф этади.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача).

Етказиб бериш, монтаж қилиш; кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — 1 йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда, Мўлжал – Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 139-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Дизайн ва мода ҳафталиги

Пойтахтимиздаги Ўзбек миллий либослари галереясида "Style.UZ" дизайн ва мода ҳафталиги очилди. Тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Осиё рамзи" Ўзбекистон модалар ассоциацияси ҳамда соҳага оид бир қатор марказлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мода ҳафталиги доирасида юртимизнинг профессионал ва ҳаваскор дизайнерлари томонидан яратилган янги либослар намойиши, ўзбек миллий либослари фестивали, турли мавзуларда семинар ва маҳорат сабоқлари, эскизлар танлови ташкил этилиши кўзда тутилган.

Ҳафта давомида "Ўзэкспомарказ" кўргазмалар мажмуининг павильони, Ўзбек миллий либослари галереяси соҳа мутахассислари, модельер-дизайнерлар, рассомлар, тадбиркорлар, оммавий ахборот воситалари вакилларининг ўзига хос мулоқот марказига айланади. Дизайн ва мода соҳасидаги кўргазмада эса томошабинлар маҳаллий мутахассислар тажрибаси ва ютуқлари, модельерлар томонидан ишланган либослар, тўқимачилик саноати янгиликларидан бохабар бўладилар.

"Осиё рамзи" Ўзбекистон модалар ассоциацияси раҳбари Холида Комилованинг таъкидлашича, мазкур тадбир соҳада эришилган ютуқларни сарҳисоб этишда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳафталикда Россиянинг Валентин Юдашкин, Татьяна Михалкова, Елена Ленская, Игорь Чапурин каби етакчи дизайнерлари иштирок этади.

— Бундай тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш катта меҳнат ва саъй-ҳаракатни талаб этади, — дейди В.Юдашкин. — Бу либослар дизайни соҳасидаги изланишлар Ўзбекистонда тобора ривожланиб бораётганидан яна бир далолатдир.

ЎзА.

МАЪРИФАТ



Китоб — билим манбаи. Бу фикрни ҳеч ким инкор этолмайди. Хўш, фарзандларимиз китобхон бўлиши учун ота-оналар қандай йўл тутиши даркор?

КИТОБГА МЕҲР ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Республика Давлат болалар кутубхонасида ана шу муаммо ечими хусусида ташкил этилган давра суҳбатларидан бирида Тошкент давлат Маданият институти профессори Эргаш Йўлдошев кўпчиликка маъқул бир фикрни билдирди: фарзандлар тарбиясида аждодлар меросини чуқурроқ ўрганиб, улардан фойдаланиш зарур. Масалан, қадимдан ота-боболаримиз фарзандларини китобларни қироат билан ўқишга ўргатишган. Чунки матн қироат билан ўқилганда тез ёдда қолар экан. Шунингдек, олим болаларнинг китоб ўқишга вақти борми, уларни қизиқтирган китоблар чоп этиляптими, деган саволларни ҳам ўртага ташлади. Шу масалалар хусусида ўйлар эканман, беихтиёр узоқ йиллик хотиралар жонланиб кетди...

1958 йили нашр этилган қалин муқовали, анча салмоқли 2 жилдли «Ўзбек халқ эртаклари» китоби хонадонимиз китоб жовонидаги энг севимли асарларимиздан эди. Опамда китоб ўқишга иштиёқ жуда баланд бўлиб, мен ҳам ундан орқада қолмасликка интилардим. Опам эртак китобини ўқиётганида азбаройи унга ҳавас қилганимдан тезроқ мактабга бориб, савод чиқаришни орзулардим.

Жамиятдаги барча иллат, илмсизлик, маънавий қашшоқлик, жоҳиллик, онгсизлик маърифатсизликдан келиб чиқиши барчага аён. Китоб инсонга маънавий озиқ бериш билан бирга, унинг онги, идроки, тафаккурини ривожлантиради. Айниқса, қалб ва руҳиятга таъсир кўрсатишда бадиий адабиётнинг аҳамияти беқиёсдир. Кейинги йилларда китобхонлар сафи камайиб кетди, деган шикоятлар қулоққа тез-тез чалинадиган бўлиб қолди. Тўғри, телевидение, радио, интернет каби тезкор ахборот воситалари фарзандларимизни кўпроқ ўзига жалб этмоқда. Телевидениенинг турли хорижий каналлари орқали намойиш этиладиган жангари, зўравонликка даъват этувчи, беҳаё фильмлар ўсмирлар вақтини беҳуда ўтказишига, янада оғриқли томони, улар онгини заҳарлашга сабабчи бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Назаримда, ёшларимизни хорижий ахборот ҳужумларидан асраш, уларнинг навқирон умрини беҳуда совуришдан қайтариш учун ундан-да кучлироқ восита топиш зарур. Фарзандларимиз онгию шуурига кўпроқ билим олиш ғоясини сингдириш, кўп китоб ўқиган, билимли, маърифатли, маданий савияси юксак, ақлли инсонларгина тараққиётга интилишлари, буюк кашфиётлар яратишлари, эл ичида обрў-эътибор топишларини англатиш даркор.

Фикримизча, болада китоб ўқишга иштиёқни аввало ота-она, буви-бувалар, ака-опалар, қолаверса, тарбиячи ва муаллимлар уйғотиши жоиз.

Маълумки, кичкинтойлар шеър ёдлашга қизиқадилар. Шу боис шеърий китобчалардаги расмларни томоша қилдириб, шеърни такрор-такрор ифодали ўқиб бersангиз, уни ёд олиши осонлашади.

«Ўзинг бўя» туркумидаги расмли китобчалар кичкинтойларнинг жону дили. Китобчадаги тасвирларни рангли қаламлар билан бўяшни аввал оиладаги катталар ёрдамида бошлаганлари маъқул. Оқ-қора тасвирдаги расмга мақбул ранг берилса, бола кўз ўнгида расм жило топади, бирдан гўзаллашиб, худди жонлангандек туюлади.

Боғча ёшидаги болаларда китобга, бадиий адабиётга муҳаббат туйғусини уйғотиш ва ривожлантиришда расмга қараб эртак ёки ҳикоя тўқишни ўргатиш жуда ҳам муҳим. Жигарпорангизга бирон воқеа ёки кичкироқ лавҳани қизиқарли тарзда ҳикоя қилиб берсангиз, кичкинтойларда тақлидчилик хусусияти кучлилиги боис, у аввал ўша сўзлаб берганларингизни такрорлай бошлайди. Секин-аста сўз бойлиги ошиб, нутқи ўсиб, луғат кўлами кенгайиб, баён этилажак воқеалар мазмуни ҳам теранлашиб бораверади.

Демак, бола билан мунтазам равишда шуғулланмоқ даркор. Айрим ота-оналар фарзандини боғча ёки мактаб ихтиёрига топшириб қўйиб, ўзлари эътиборсиз бўладилар. Тўғри, боғчада бола тенгдошлари қаторида ўйнайди, тарбиячиси бошчилигида машғулотларда билим олади, расм чизади, пластилиндан турли буюмлар ясашни ўрганади, эртак ва ҳикоялар тинглайди, шеърлар ёд олади ва ҳоказо. Лекин оиладаги муҳит боланинг камол топишида энг асосий аҳамият касб этишини зинҳор унутмаслик даркор.

Агар ота-она ўз нуридийдасига ҳар томонлама чуқур билимларга айнан оилада мустаҳкам пойдевор қўйса, мактаб таълимига тайёрлай билсагина, унинг саводи чиқиш жараёнидаёқ китоб ўқишга иштиёқи тобора ортиб бораверади.

Ҳозир мамлакатимизда болаларимиз учун хилма-хил қизиқарли китоблар нашр этилмоқда. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тасарруфидаги Чўлпон, Ғафур Ғулом номидаги, «Ўзбекистон», «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйлари, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида чоп этилаётган, болалар учун мўлжалланган китоблар катта маънавий бойликдир.

Гулчеҳра МУҲАММАДЖОН,
«Китоб дунёси» газетаси бош муҳаррири.

Курашчиларимизнинг навбатдаги ғалабаси

Тўрақўрғондаги Тўйчи полвон Сиддиқов номли кураш мактаби тарбияланувчиси Рустам Умаров шарафига юртимиз байроғи баланд кўтарилди.



Хушхабар

У белбоғли кураш бўйича Олмаотада ўтказилган V халқаро чемпионатда 73 килограмм вазнли полвонлар ўртасида ғолиб чиқиб, иккинчи бор жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Маълумки, Рустам ўтган йилнинг кузида Россиянинг Қозон шаҳрида ўтказилган IV халқаро чемпионатда ҳам шундай муваффақиятга эришиб, чемпионлик рутбасини кийган эди.

Рустам миллий кураш довруғини таратган Тўйчи полвон Сиддиқов сулоласидан. Машҳур полвоннинг набираси Неъматжон Тўйчиев бошқараётган кураш мактабида у сингари белбоғли курашнинг чинакам усталари етишиб чиқмоқда. Жумладан, мазкур мактабнинг яна уч тарбияланувчиси юқоридаги чемпионатда совринли ўринларни эгаллашди.

Олмаотада жаҳон чемпионати билан бир вақтда белбоғли кураш бўйича Осиё чемпионати ҳам бўлиб ўтди. Унда 73 килограмм вазнли полвонлар ўртасида гиламга чиққан тўрақўрғонлик Муаффар Мирзажонов учинчи ўринни банд этиб, бронза медаль совриндори бўлди.

Умуман олганда, Қозоғистондаги баҳсларда мамлакатимиз курашчилари жамоа ҳисобида муваффақиятли иштирок этдилар. Улар жаҳон чемпионати якунига кўра, Россиядан кейин иккинчи ўринни банд этишди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳотамжон МАМАДАЛИЕВ олган сурат.

Кўргазма

Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида қадимий Буюк Ипак йўли шаҳарларига бағишланган фотокўргазма очилди.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ – ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА

Унда юртимиз фотосанъати ва инсталляция усталари, Греция, Болгария, Франция, Туркия, Польша, Озарбойжон каби давлатлар фотомусаввирларининг юздан ортиқ асари билан танишиш мумкин.

Буюк Ипак йўли асрлар мобайнида кўплаб мамлакатлар ўртасида иқтисодий, маданий-маърифий алоқалар мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этиб келган. Кўргазмага қўйилган фото, видео-арт, инсталляция йўналишидаги ижодий ишларда ана шу жиҳатлар ўз аксини топган. Бу ерда Бобур Исмоилов, Файзулла Аҳмадалиев, Жамол Усмонов, Жаҳон Изентоев, Муҳаммад Фозилий, Вячеслав Усейнов, Александр Николаев каби ижодкорларнинг тасвирий санъатнинг замонавий йўналишидаги ишларига ҳам кенг ўрин берилган.

Мазкур йўналишдаги кўргазма 2003 йилда дастлаб Париж шаҳрида, сўнгра Истамбул, Боку ҳамда Тбилисида санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилган.

Кўргазма 21 ноябргача давом этади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА 2006 ЙИЛГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

АСПИРАНТУРАГА: Ўзбекистон тарихи; иқтисодий назария; макроиқтисодиёт; микроиқтисодиёт; менежмент; эконометрика ва статистика; молия, пул муомаласи ва кредит; бухгалтерия ҳисоботи, иқтисодий таҳлил ва аудит; жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар; аҳолишунослик ва меҳнат иқтисоди; минтақавий иқтисодиёт; маркетинг; ижтимоий психология.

Аспирантурага кирувчилардан ҳужжатлар 2006 йил 25 ноябргача қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари 2006 йил 1 декабрдан 10 декабргача ўтказилади.

ДОКТОРАНТУРАГА: макроиқтисодиёт; микроиқтисодиёт; бухгалтерия ҳисоботи, иқтисодий таҳлил ва аудит; жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар.

Докторантурага кирувчилардан ҳужжатлар 2006 йил 1 декабргача қабул қилинади.

Маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй, 4-11-хона, маъмурият биноси.
Телефонлар: 132-63-83, 132-63-90.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

2006 йилга ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

АСПИРАНТУРА
* Юқори молекуляр бирикмалар кимёси
* Машинашунослик ва машина деталлари
* Енгил саноат машина ва агрегатлари
* Тўқимачилик хомашёларига дастлабки ишлов бериш
* Тўқимачилик материаллари технологияси
* Менежмент

ДОКТОРАНТУРА
* Тўқимачилик хомашёларига дастлабки ишлов бериш

Ҳужжатлар 2006 йил 1 декабргача қабул қилинади.

Мурожат учун манзилимиз: 700100, Тошкент ш., Шоҳжаҳон к., 5-уй, ТТЕСИ, илмий тадқиқот бўлими.
Телефонлар: 362-61-05, 362-66-34.

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ МАРКАЗИ

ЎЗ МИЖОЗЛАРИГА ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ, АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ 2006 ЙИЛ 31 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН, ТЎЛОВ МАЖБУРИЯТЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМАГАН ВА МИЖОЗЛАР АЙБИ БИЛАН БАЖАРИЛМАГАН ШАРТНОМАЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бекор қилинган шартномалар бўйича барча шикоятлар 2006 йил 31 декабргача қабул қилинади.

Мижозлар айби билан бажарилмаган шартномалар бўйича МХКМ кредитор қарзлари 2007 йилнинг биринчи чораги давомида қайтарилади.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 150-26-03, 150-26-02, ФАКС: 150-26-15.
E-mail: metrolog@sarkor.uz

(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 21 ноябрь, сешанба куни чиқади).

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ – ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари таржимонлик факультетининг «Шарқ тиллари» кафедраси катта ўқитувчиси Абдуқаҳҳор Муталибовга онаси

Башорат МУТАЛИБОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси илмий ишлар проректори, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

Гулсара Ибрагимовна БОБОЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси анестизиология ва реаниматология кафедрасининг ассистенти Муаффар Ҳайдаровга падари бузруквори

БУРҲОН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1357. 21071 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.10 23456